

Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!



Ishonch

2016-yil
11-iyun,
shanba

№ 70
(3731)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz



ЖИЗЗАХ

«АГРОКВАНТ»НИНГ ТЕЖАМКОР ҚУРИЛМАСИ

Жиззахнинг бугунги жамоли бунёдкорлик ишлари тўғрисида тўдан ўзгариб бормоқда. Шу кунларда вилоят марказидаги «Хотира хийбони» мажмуаси янги кўриниш касб этди.

Бу ерда «Агроквант» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлик ишлари тўғрисида миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширди.

Жамоа яна бир янгиликка қўл урди. Корхонада паст босимли газ, электр энергияси ва кўмирда ишлайдиган буг қозонлари қурилмасини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

ФАРФОНА

ЯНГИ ШОХОБЧА ИШ БОШЛАДИ

Кўштепа, Тошлок, Ёзёвон туманлари ҳамда Маргилон шахри аҳолисининг табиий газга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида Кўштепа тумани Лангар ҚФДА замонавий газ тўлдирish шохобчаси фойдаланишга топширилди.

Ишоот «Олтин водий» МЧЖ қурувчилари томонидан бунёд этилди. Бунга «Ўзтрансгаз» АЖ томонидан 2 млрд. сўм маблағ сарфланди. Айни пайтда шохобчада 20 га яқин иш ўрни яратилди.

— Келгусида вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам шундай шохобчалар очилиши ҳаракатидамиз, — дейди «Водийгазтаъминот» УК раҳбари А.Эргашев.

Муҳаммадjon
МАХМУДОВ

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда



Ёш мутахассислар бандлиги таъминланади

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани агроиктисодиёт касб-хунар коллежиде тикув ва тикув-трикотаж буюмларини ишлаб чиқариш техник-технология, фермер хўжалиги мутахассиси, компьютер ва компьютер тизимларини соғлаш-таъмирлаш техникка каби ўнга яқин йўналишларда 500 дан ортиқ ёшлар тахсил олмақда.

Коллежда ўқувчиларнинг ўз танлаган касбини пухта ўзлаштириши учун барча шароит яратилган. Шу билан бирга, бу ерда фаолият кўрсатаётган 20 га яқин тўғрақ ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишига хизмат қилмоқда.

Коллеж директорининг касбга йўналтириш ишлари бўйича ўринбосари Еркебой Шимбергеновнинг таъкидлашича, жорий йилда таълим даргоҳини 214 нафар йигит-қиз битирмоқда. Уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида ҳудуддаги 90 га яқин корхона, ташкилот ва хусусий сектор субъектлари билан шартномалар тузилган.

ЎЗА фотомухбири
Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ
олган сурат

Эъзоз

Меҳр-оқибатимизга кўз тегмасин!

Кексалари эъзозланган юртнинг файзи бўлачқа бўлади. Негаки, нуронийлар нафақат оиламиз, балки жамиятимиз кўрки ва файзидир.

Элнинг оғир юкини, қувонч ва ташвишини умр бўйи елкасида кўтариб келган мўътабар инсонларнинг дуосини олиш бахтига муяссар бўлаётганимиздан кўксимиз тоғдек юксалади. Айниқса, 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат

фронти фахрийларини санаторийларда соғломлаштириш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Хотира ва қадрлар кўни ҳамда Рамазон ойи муносабати билан бу борадаги юмушларимиз салмоғи янада кенгайди.

Фахрийларни соғломлаштириш даражаси ва сифатини ошириш мақсадида замонавий талабларга жавоб берадиган алоҳида даволаш ва ётоқ бинолари ташкил этилган. Фахрийлар бўлимидаги ҳар бир хона қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар билан таъминланган. Шу билан бирга, улар учун алоҳида муолажа хонаси ташкил этилиб, тиббий хизмат

кўрсатиш кўлами кенгайтирилди. Улар тезкор тиббий кўрик, кўшимча текширувлардан ўтказилиб, соғломлаштириш, тўғри овқатлантириш ва психологик муолажаларга жиддий эътибор қаратилади. Нуронийларнинг жисмоний ҳолатларини инобатга олиб, махсус рацион асосида овқат тайёрланмоқда. Маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш бўйича ҳам алоҳида дастур тузганмиз. Унга мувофиқ санъаткорлар билан учрашув ва концерт дастурлари, давра суҳбатлари, саёҳат уюштирилди.

✎(4)

Анжуман

Зулфияxonим издошлари

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги ҳамда Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилган кунга бағишлаб Республика Хотин-қизлар кўмитаси томонидан «Бахтим шул, Ўзбекининг Зулфиясиман!» деб номланган маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди. «Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» шори остида ўтказилган ушбу тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахридаги иқтисодли талаба-ёшлар, вазирилик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раисининг ўринбосари Г.Маърупова, Бастакорлар уюшмаси раиси Р.Абдуллаев ва бошқалар сўзга чиқиб, Президентимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида ёшлар, жумла-

дан, қизлар истиқболи йўлида алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётгани, шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсати миллий қонун ҳужжатлари ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътирофи этилган қоида-талабларига асослан-

ганлигини таъкидлашди.

Президентимиз ташаббуси билан 1999 йил 10 июнда таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти истеъдодли қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш баробарида улар фаолиятини кенг жамоатчиликка таништиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хозирга қадар 240 нафар қиз ушбу мукофотга сазовор бўлган. Бугунги кунда Зулфияxonим издошлари турли соҳаларда фаолият юритиб, Ватанимиз раванқига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

— Юртбошимизнинг биз ёшларга эътибори, ғамхўрлигидан беҳад

шодмиз, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Дилбар Холжигитова. — Мен жаҳон миқёсидаги спорт мусобақалари олдидан давлатимиз раҳбарининг «Биз ҳеч қандам кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз!» деган пурҳикмат сўзларини ичимда бот-бот такрорлайман. Бу менинг кучимга-куч, ғайратимга-ғайрат кўшади, ғалабага чорлайди.


Анжуманда Зулфия мукофоти учун ўтказиладиган танлов талаблари, мукофот моҳияти, совриндорлар билан ишлашда, уларга истиқлол туҳфа этган имкониятларнинг мазмун-моҳиятини тушуништиришда Зулфия издошларининг салоҳиятидан янада кенг фойдаланишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўз мухбиримиз

Ким эдигу ким бўлдиқ?

Иқтисодий ислохотлар стратегияси ва реал натижалар

Маълумки, мустабид тузум даврида Ўзбекистон умумий иқтисодий ҳисоботида хомашё базаси вазифасини бажарар эди. 1990 йилда иттифоқда ишлаб чиқариладиган пахта толасининг 62,4 фоизи Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келар, етиштирилган пахтанинг 7 фоизигина республикада қайта ишланар эди.



Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг 25 йиллиги

Пахта хомашёсини етиштириш асосан уни экстенсивлаш, яъни экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига 9,7 баравар кўпайди. Дон етиштириш эса муттасил камайиб борди. 1913 йилда у 1019 минг тонна, 1950 йилда 425 минг тонна (2,4 баравар камайди), 1975 йилда эса 1079 минг тонна ташкил қилди — (аҳоли сони шиддат билан ўсгани ҳолда 5,6 фоиз кўпайди). Умуман, Ўзбекистон донга бўлган эҳтиёжини ўз дони ҳисобига фақат 25 фоиз таъминлади, қолганини Россиядан, Қозғистондан келтиришга мажбур бўлди.

Ўзбекистон аҳоли жон бошига маҳсулот етиштириш ва истеъмол қилишда бошқа республикалардан анча орқанда қолган. Масалан, 1955 йилда республикада аҳоли жон бошига 14 кг. гўшт, 62 кг. сут, 29 кг. сабзавот етиштирилган, ваҳоланки, СССР бўйича бу рақамлар мос равишда 32 кг., 215 кг., 71 кг.дан иборат эди.

Шу тариқа, Ўзбекистонга тоталитар тузумдан заиф, бир ёқлама ривожланган, хомашёга ихтисослашган пахта яккахокимлиги асосланган иқтисодиёт мерос бўлиб қолди. Табиий ва минерал хомашё захираларидан нотўғри фойдаланиш, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштириш ҳамда нарх белгилашдаги, аҳолининг истеъмол таркибидеги бузилишлар тўғрисидаги вужудга келган ғоят кескин муаммоларни яқка ўзи ҳал қилишга мажбур бўлди.

Ана шундай мураккаб бир шароитда Юртбошимиз ғалла мустақиллиги ҳақидаги масалани кун тартибига қатъий қилиб қўйди. Бунга эришиш йўлида кенг қўламли ишлар бошлаб юборилди ва атиги ўн йил ичида ғоят мураккаб вазифа муваффақиятли адо этилди.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, мамлакатимизда 1990 йилда 1 миллион тоннадан зиёроқ ғалла ҳосили олингани ҳолда, 2000 йилда 4,1 миллион тонна, 2012 йилда 7,2 миллион тонна, 2015 йилда эса 7,5 миллион тоннадан ортиқ дон етиштирилди.

Статистик тўпламларда чоп қилинган маълумотлар ва таҳлилий ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, иқтисодий ислохотлар арафасида 1990 йилда Ўзбекистон МДХ давлатлари ичида ЯИМ ҳажми бўйича Россия, Украина, Белоруссия, Қозғистондан кейин 5-ўринни эгаллаган, ёки аҳоли жон бошига ЯИМ ишлаб чиқариш Ўзбекистон Республикасига нисбатан Россияда 2,5 баравар, Украинада 2 баравар, Белоруссияда 2,3 баравар кўп бўлган.

Бу қадар орқанда қилинган асосий сабабларидан бири — собиқ иттифоқдаги субъектив тарздаги нотўғри ҳудудий меҳнат тақсими-тидир.

Бундай салбий кўринишлар иқтисодий ислохотларнинг дастлабки давридаёқ халқ хўжалиги тармоқ тузилишини тўдан ўзгартиришни зарурат қилиб қўйди.

Таркибий силжишлар йўлидан бориб, республикада энергетика ва озиқ-овқат мустақиллигини таъминловчи тармоқларни жадал ривожлантириш ҳамда минерал ва қишлоқ хўжалик хомашё ресурсларидан тайёр рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган ўзаро боғлиқ тармоқлар ва корхоналар имкониятини оширишдан иборат вазифалар белгиланди. Шунингдек, республиканинг аънаваный ихтисослашувидеги ишлаб чиқариш тармоқлари ва корхоналарни замонавий технологиялар билан қайта қуролантириш йўли билан уларни ривожлантириш назарда тутилди.

Бугунга келиб, Ўзбекистонда саноат маҳсулотлари таркибий тузилишида маълум ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Ёқилги-энергетика, кимё ва нефть кимё саноати, машинасозлик ва металлургия қайта ишлаш саноатининг улуши ортиб бормоқда.

Агар 1990 йилда ёқилги-энергетика комплекси улушига саноат ишлаб чиқаришининг 12,6 фоизи тўғри келган бўлса, ушбу кўрсаткич 2014 йилда 20,3 фоизга кўтарилди. Шу даврда машинасозлик тармоғининг улуши 11,1 фоиздан 19,7 фоизга ошган, енгил саноат ва бошқа тармоқлар улуши эса умумий саноат ишлаб чиқаришида пасайган. Ушбу тармоқлардаги пасайиш нисбий характерга эга бўлиб, уларда ҳам аслида ишлаб чиқариш ҳажмларининг сезиларли ўсиши кузатилади.

Иқтисодиётда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришлари шуни кўрсатадики, 2000 йилда мамлакатимиз янги ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришининг улуши 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 24 фоизга етди. Саноат маҳсулотини умумий ўсишининг қарий 70 фоизга юқори қўшимча қийматларга эга бўлган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар маҳсулотини ўсиши ҳисобига эришилди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда иқтисодиётни таркибий ўзгартириш доирасидаги жуда кўплаб замонавий, юқори технологияларга асосланган лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуаси, Кўнғирот сода заводи, Деҳқонобод калийли ўзитлар заводи, ўнлаб замонавий тўқимачилик комплекслари ана шулар жумласидандир.

Сурғил қони базасида Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликда барпо этилган, умумий қиймати 4 миллиард 200 миллион долларга тенг бўлган Устюрт газ-кимё мажмуаси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу мажмуанинг ишга туширилиши йилда 83 минг тонна ноб полимерларни маҳсулотларини ишлаб чиқариш имконини беради. Илгари бу маҳсулот мамлакатимизга четдан валюта ҳисобига олиб келинар эди.

✎(3)

